



«ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ»
кафедраси



**Мавзу: Корхонанинг бош плани
(поғонаси) ва унга қўйиладиган
хавфсизлик талаблари.**

Маърузачи:

И.Ахмедов



Режа:

1. Қурилиш майдони тўғрисида тушунча.
2. Бош план тўғрисида умумий тушунча.
3. Қурилиш майдонининг (бош план) таркиби.
4. Инженерлик қидирув тўғрисида тушунча.
5. Корхонанинг бош планини тузишдаги хавфли факторлар.
6. Қурилиш майдони ва бош планини тузишдаги хавфсизлик талаблари.





- Миллионлаб кишиларнинг ҳаёти хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди.

И.Каримов

- Йирик сув хўжалиги иншоотлари қурилиши инсоният учун тарихий зарурият ҳисобланиб, унинг ривожланиши инсоният тараққиёти билан баҳоланади, яъни у одамларни турли хил хавфлардан муҳофазалаш билан боғлиқдир: сув тошқини, озик-овқат етишмовчилиги, энергия ва бошқалар.



- Сув хўжалиги қурилиши билан боғлиқ бўлган корхоналарни ташкил этилиши асосий объект билан боғлиқ бўлиб, асосан қурилиш майдонида жойлаштирилади.




- Қурилиш майдони деб - асосий объект (иншоот) қурилиши ва унга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш базалари жойлашган майдон тушунилади.

Қурилиш майдони йирик қурилишларда 500 га гача майдонни эгаллаши мумкин.




Управление водохозяйственной системой бассейнов рек Чирчика и Ахангарана



Управление водохозяйственными системами бассейнов рек Чирчика и Ахангарана

Наименование	Место расположения
Управление ирригационными системами левого берега реки Чирчик	г.Ташкент
Управление ирригационными системами правого берега реки Чирчик	г.Ташкент
Управление ирригационными системами реки Ахангаран	г.Ахангаран
Ташкентское городское управление водного хозяйства	г.Ташкент

Управление водохозяйственной системой низовьев реки Амударьи



- Маълумки хавфлар табиий ва техноген хусусиятли бўлади.
- Сув хўжалиги қурилиши билан боғлиқ бўлган корхоналарини ташкил қилишда ҳам табиий ва техноген хусусиятли хавфларни ҳисобга олинади.



- Қурилиш ва иш жараёнини амалга оширишда хавфларни камайтириш ёки зарарини пасайтириш учун корхоналарнинг бош плани тузилади. Уни тузишда меъёрий хужжатларга асосланади.
- Лойиҳа ишларини бажариш учун меъёрий хужжатлар (СниП, ҚМҚ, ГОСТ, Стандартлар) дан фойдаланилади.



- Лойиҳанинг дастлабки босқичида (лойиҳа олди) инженерлик қидирувчи ўтказилади. У ўз таркибига иқтисодий, экологик ва инженер-техник қисмларни олади.



- Корхона бош плани деганда корхона таркибига кирган маъмурий, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, инженерлик коммуникацияси, технологик боғланиш кўрсатилган режаси тушунилади. Уни таркибидаги барча қисмлари кўринадиган масштабда тузилади. (1:100, 1:250, 1:500...)



- Қурилиш майдонида, корхонада табиий ва техноген хусусиятли хавфлар доимий (потенциал) мавжуд хавфлар ҳисобланади.
- Худуднинг ер сурилиши, кўчки, тўфон, сув тошқини, zilзила каби хавфларни олдини олиш ёки улар таъсирининг зарарини камайтириш мақсадида геологик, гидрогеологик, метрологик, гидрологик хусусиятлари ўрганилади.



Корхона бош планини лойиҳалашда қуйидаги хавфсизлик талабларига асосланилади:

- 1. Ишлаб чиқариш корхоналарини сув тошқинидан сақлаш учун биноларни, йўлларни, бошқа инженерлик коммуникацияларини гидрологик ва гидрографик маълумотларга асосланиб жойлаштирилиши керак, яъни кўп йиллик маълумотларга асосланиш лозим.



- 2. Бино ва иншоотларни лойихалашда ернинг геологик маълумотларига асосланиш керак, яъни бино ва иншоотларни мустаҳкам асосли (грунтли) жойга (чўкмайдиган гурунт устига) режалаштирилиши керак.



- 3. Корхона бино ва иншоотларини гидрогеологик шароитни ҳисобга олиб режалаштирилиши керак, яъни сизот сувнинг сатҳи, оқими, минераллашганлигини ҳисобга олиб жойлаштирилиши керак.



- 4. Корхона бино ва иншоотларини жойлаштирилишида корхона ишлаб чиқариш базаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб жойлаштирилиши керак, яъни ишлаб чиқариш базаларидан ажраладиган зарарли чанг ва инсон учун зарарли бўлган бошқа моддалар ажралишини ҳисобга олиниши зарур.



- 5. Корхона бино ва иншоотларини режалаштиришда литологик ва жойнинг релъефи ҳисобга олиниши керак, яъни бино ва иншоотларни бири-биридан баланд пастлиги ҳисобга олиниши керак.



- 6. Корхона бино ва иншоотларини режалаштиришда ички технологик транспорт хизмати ҳисобга олиниши керак.
- 7. Корхона бино ва иншоотларини режалаштиришда электр тармоғини қисқа туташувига сабаб бўлмайдиган йўлдан ўтказиш керак.



- 8. Корхона бино ва иншоотларининг тузилишини, ёнғинга чидамлилигини ҳисобга олиб режалаштирилиши керак.
- 9. Корхона бино ва иншоотларини жойлаштиришда уларнинг ишлаб чиқариш хусусияти ҳисобга олиниши керак, (яъни маъмурий бино, омборлар, цехлар ва бошқалар).



- 10. Қурилиш майдони, корхона бинолари, иншоотлар, майдончалар, ҳовлилар, прожектор ва бошқа ёриткичлар билан жихозланиши керак. Уларни ҳамма ерни бир хил ёритадиган баландлик ва масофаларга ўрнатилиши керак, шамол ва ёғингарчиликдан ҳимояланган бўлиши зарур.



- 11. Корхона биноларида механизмлар ва одамлар юриш йўллари ишловчилар ҳаркатланганда тирбандлик ҳосил қилмайдиган, механизмлар эркин ҳаракат қиладиган бўлиши керак.
- 12. Корхона биноларида шамоллатиш тизими бўлиши ва улар иш ҳолатида бўлиши керак.



- 13. Корхона бинолари совутиладиган ва иситиладиган тизимга эга бўлиши ҳамда ишчи ҳолатда бўлиши керак.
- 14. Корхона биноларининг эшиклари ташқарига очиладиган бўлиши керак.
- 15. Корхона бинолари иложи борича табиий ёритиладиган бўлиши керак, бинони сунъий ёриткичлар билан меъёр даражасида ёритиладиган бўлиши керак.

- 16. Корхона бош планида марказий инженерлик коммуникациялар билан боғланиши кўрсатилиши керак.
- 17. Корхона бош планида кириш ва чиқиш йўллари кўрсатилиши керак.
- 18. Корхона бош планида ер усти бино ва иншоотлари сидирға (узлуксиз) ва ерости иншоотлари узук-узук (пунктир) чизиқлар билан кўрсатилиши керак.



- 19. Корхона бош планида ёнғинга қарши ишлатиш учун сув манбаи, ёнғин гидрантлари, асбоб-ускуналар кўйилган жой кўрсатилган бўлиши керак.
- 20. Бино планларида фавқулодда вазиятларда ҳарактланиш схемалари кўсатилиши керак.



ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

- **1. Қурилиш майдони нима?**
- А) Иншоот қурилаётган жой.
- Б) Бинолар кўрсатилган харита.
- В) Асосий иншоот қурилиши ва унга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш базалари жойлашган майдон.
- Г) 500 гектаргача бўлган майдон.



2. Қурилиш майдони қанча гектаргача бўлиши мумкин?

- А) 300 гектаргача
- Б) 400 гектаргача
- В) 500 гектаргача
- Г) 600 гектаргача



3. Лойиҳанинг қандай турлари бўлади?

- А) Бир марталик
- Б) Намунавий
- В) бир марталик ва намунавий.
- Г) Куп марталик



4. Қурилиш майдони ва корхонада қандай хавфлар бўлиши мумкин?

- А) Табiiй
- Б) Техноген
- В) Экологик
- Г) Табiiй ва техноген



5. Корхона бош планига берилган тўлиқ таърифни аниқланг?

- А) Корхона таркибига кирган маъмурий, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, инженерлик коммуникацияси, технологик боғланиш кўрсатилган режа.
- Б) Асосий ва қўшимча иншоотлар кўрсатилган харита.
- В) Бино ва иншооталарни хавфсизлик талаблари асосида жойлаштирилиш схемаси.
- Г) Табiiй ва техноген хавфлардан сақлаш ва фавқулодда вазиятларда одамларни ҳаракатланиш йўли кўрсатилаган схема.



6. Жойнинг геологик шароити нима учун ўрганилади?

- А) Бино ва иншоотларни барпо этишда бажариладиган қурилиш технологиясини ва уларнинг конструкциясини танлаш учун.
- Б) Сув тошқини характерини ҳисобга олиш учун.
- В) Ер ости сув кўтарилишини ҳисобга олиш учун.
- Г) Табiiй офатларни олдини олиш учун.



7. Корхона бош планида ёнғинни ҳисобга олиувчи манбани аниқланг?

- А) Пожарное депо
- Б) Сув ҳовузи ва ёнғин гидранти
- В) Қисқа туташув (электр тармоғида)
- Г) Ёнғин чиқарувчи воситалар.



8. Корхона бош планида шамол йўналиши қандай (нима билан белгиланади)?

- А) Роза ветров
- Б) Шамол стрелкаси
- В) Харитани томони билан
- Г) Компас



9. Бош планда шамол йўналиши нима учун кўрсатилади?

- А) Ишловчиларни ва яшовчиларни хавфли ва зарарли ҳаво оқимидан муҳофазалаш мақсадида
- Б) Корхона таркибий бинолари ва иншоотларини хавфсизлик нуқтаи назаридан жойлаштириш мақсадида.
- В) Атроф муҳит муҳофазасини ҳисобга олиш мақсадида.
- Г) Юқоридагиларни ҳаммаси

